



**Икром ИСЛОМОВ**

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ГЕОГРАФИК  
ТЕРМИНЛАРИ ТИЗИМИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Икром ИСЛОМОВ**

## **ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ГЕОГРАФИК ТЕРМИНЛАРИ ТИЗИМИ**

**“MaHaLa va Oila” нашриёти  
Тошкент – 2021**

КБК: 81.2Ўзб-3

И 80

УЎК: 811.512.133'28

ISBN 978-9943-7632-0-3

Исломов, Икром Хушбоқович  
Ўзбек тилининг географик терминлари тизими [Матн]:  
монография / И.Х. Исломов. – Тошкент: Mahalla va Oila, 2021. –  
194 б.

Ушбу монографияда ўзбек тилининг географик  
терминларининг семантик, тарихий-этимологик, идеографик  
аспектдаги талқини амалга оширилган. Шунингдек, географик  
терминларнинг тил корпуси ва таълимий корпуси учун  
маълумотлар базасини яратишнинг асослари ишлаб чиқилган.

Монография тилшунослик масалалари билан шуғулланувчи  
мутахассисларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Б.Р. Менглиев – филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

С.Э. Нормаматов – филология фанлари доктори, доцент

Ш.М. Ҳамроева – филология фанлари доктори, доцент

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва  
адабиёти университети Илмий-техникавий кенгашининг 2021 йил  
26 апрелдаги 7-сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

© Исломов И.Х.

© “Mahalla va Oila” нашриёти, 2021.

## КИРИШ

Жаҳон тилшунослигида тилнинг лексик тизимида алоҳида ўрин эгалловчи терминлар тизими мунтазам тадқиқ қилиб келинмоқда. Илм-фан, техника ва саноат соҳасида рўй бераётган илмийлик, кашфиётлар натижаси соҳаларнинг терминологиясида яқинкор намоён бўлмоқда. Бу эса тил лексикасининг алоҳида, махсус лексика birlikлари саналган терминлар тизимида илмий тамойилларга асосланган тадқиқотларнинг амалга оширилишини таъкид қилади. Хусусан, илмий-техникавий терминология сирасида ўзининг алоҳида ўрни ва аҳамиятига эга бўлган географик терминлари ҳам янгича ёндашув, замонавий лексикография талаблари даражасида тадқиқ қилиниши лозим бўлган терминологик тизимлардан бири саналади. Географик терминлар ҳам муҳим тарихий, миллий-маданий, ижтимоий аҳборотлар ташувчи лингвистик ҳодиса сифатида мунтазам тадқиқ этилиши илмий, таълимий аҳамият касб этади. Географик билимларнинг ўзлаштирилиши, кишилик жамиятининг табиатга, атроф-муҳитга бўлган муносабати барча замон ва маконларнинг долзарб масалалари доирасида муҳим мавқе ва ўрин тутади. Ҳозирги кунга келиб муайян тилнинг лексик тизими ва унинг ташкил этувчиларини яхлит тизим сифатида олиб, антропоцентрик, социолингвистик, семантик, номинацион-мотивацион, прагматик, лингвокультурологик, тарихий-этимологик аспектда, шунингдек, замонавий лексикография тамойиллари асосида тадқиқ этишга талаб ортиб бормоқда. Географик терминларни замонавий тилшунослик тамойил ва методлари асосида ўрганиш, терминологик birlikларнинг лексик-семасиологик, генетик-этимологик, номинатив-функционализм хусусиятларини таҳлил қилиш, умумлексик ва терминологик birlikлар муносабатини баҳолаш, терминлар тизимининг идеографик структурасини тадқиқ қилиш, замонавий ва электрон лугатларда, миллий тил корпусларида терминларни акс эттириш кабилар билан боғлиқ масала ва вазифалар долзарблик касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида терминологик birlikларнинг ўзига хос лингвистик ҳодиса сифатидаги хосса ва вазифалари, умумистеъмол birlik ва терминлар ўртасидаги лексик-семантик муносабатлар, терминологик birlikларнинг семантик табиати,